

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Мустақил тараққиётимиз йилларида эришилган бемисл муваффақиятлар, улкан ютуқлар, халқимиз фаровонлиги, турмушимиз ободлиги йўлида амалга оширилган эзгу савб-ҳаракатлар, аввало, мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик шарофатидандир. Юртимизда олиб борилган кенг қўламли ислохотлар, энг аввало, тинчликни мустаҳкамлашга, хавфсизликни таъминлашга қаратилгани ҳам бежиз эмас, албатта. Ўз навбатида, тинчлик ва осойишталикнинг таъминланиши барқарор иқтисодий тараққиётимизнинг муҳим кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.



Фаровон ва бахтли ҳаётимиз, эзгу орзуларимиз рўёби

Президентимиз Ислам Каримов жорий йил 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан оммавий ахборот воситалари ходимларига берган интервьюсида мамлакатимиз тараққиёти, бугуни ва эртанги куни, жаҳонда ва ён-атрофимизда юз бераётган вазият ҳақида ўта муҳим, долзарб фикрларни баён этди. "Кўпни кўрган халқимиз яхши била-

ди, — дея яна бир бор таъкидлади Юртбошимиз. — Фақат тинчлик ва осойишталик бўлган, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат ҳукм сураётган давлатда, жамиятда фаровон ва бахтли ҳаёт кечириш мумкин, энг юксак орзу-мақсадларга етиш мумкин".

Дарҳақиқат, айнан юртимиздаги барқарор тинчлик ва осойишталик туфайли биз ўтган йиллар давоми-

да мунтазам равишда бунёдкорлик ишлари билан шуғулланиб, қатор стратегик соҳаларда том маънода мустақилликка эришдик.

Энг катта ютуқларимиздан бири бу барқарор иқтисодий ўсиш суръатларининг таъминланишидир. Шу ўринда рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 1990 йилда Ўзбекистон иқтисодий таназзул остонасига

келиб қолган бўлса, мустақил тараққиётимиз йилларида мамлакатимиз иқтисодиёти 4,1 баробар, аҳолининг ялпи реал даромадлари жон бошига 8,2 карра ошиб, кейинги 9 йил давомида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8 фоиздан кам бўлмасдан келаётир.

(Давоми иккинчи бетда)

Qonun ijodkorligi

Аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларидаги осойишталиги

бу борадаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилмоқда

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида депутатлар томонидан "Аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осойишталиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.



Мамлакатимизда мустақил-лигимизнинг дастлабки йилларидан халқимиз саломатлигини сақлаш, атроф-муҳит муҳофазаси ва аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш устувор вазифалардан бири этиб белгиланди. 1992 йил 3 июлда қабул қилинган "Давлат санитария нazorати тўғрисида"ги қонун лойиҳасининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш, одамларнинг саломатлигига хавф соладиган иллатларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, юқумли ҳамда вирусли касалликларнинг олдини олишда муҳим ҳуқуқий

асос вазифасини ўтамоқда. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, юртимизда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш мақсадида давлат санитария нazorати тизими яратилган бўлиб, давлат санитария нazorатини ташкил этиш ва амалга ошириш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачлари бошчилиги қилиб келаётган 216 та давлат санитария-эпидемиология маркази зиммасига юклатилган.

(Давоми учинчи бетда)

Аввало шунини айтиш керакки, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашда амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг процессуал муддатларга доир талабларига қатъий амал қилиш муҳим ўрин тутди.

Tahlil, taklif va mulohaza

Фуқаролик процессида муддатлар ва унга риоя этишнинг аҳамияти

амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштиришга доир баъзи таклифлар

Фуқаролик процессуал кодексининг 12-боби процессуал муддатларга бағишланган бўлиб, унинг 126-моддасида процессуал ҳаракатларнинг қонунда белгиланган муддатларда бажарилиши, процессуал муддатлар қонунда белгиланмаган ҳолларда эса, уларни суд белгилаши қайд этилган.

Процессуал муддатлар деганда, процессуал ҳаракатларни амалга ошириш вақти тушунилади. Бу муддатлар судлар, тарафлар ва бошқа процесс иштирокчилари, шунингдек, процесс

(Давоми учинчи бетда)


Xabar

Одил судловни таъминлашнинг муҳим шarti

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида судлар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоялашга хизмат қиладиган мустақил давлат институтига айланди.

Одил судловни амалга оширишни таъминловчи ривожланган замонвий талабларга жавоб берадиган қонунчилик базаси яратилди.

(Давоми учинчи бетда)



Qonun ko'magi

Шартномавий муносабатлар қонун талабига тўлиқ риоя этишни талаб қилади

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, бозор муносабатлари асосида барча мулк шаклидаги корхоналар ва иқтисодиёт тизимининг турли соҳаларида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар ўртасидаги иқтисодий ва ижтимоий алоқаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи шартномавий муносабатлар мустаҳкамланди. Зотан, шартнома шартларига тўлиқ риоя этиш фақат тарафлар манфаатларига хизмат қилибгина қолмай, иқтисодиётимиз ривожининг ҳам муҳим омил ҳисобланади. Бу борада 1998 йил 29 августда қабул қилинган "Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонун, Фуқаролик кодекси ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Айтиш жоизки, шартномавий муносабатларни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этилиши устидан назорат ўрнатиш ва бу борада зарур ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш вазифаси адлия идоралари

зиммасига юклатилган. Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш борасида Бухоро вилояти адлия бошқармаси томонидан ҳам муайян ишлар амалга ошириб келинмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатли ҳимоя қилишга қаратилган туб ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, 2001 йилда давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этди.

Insonparvarlik tamoyili

Бағрикенглик ва кечиримликнинг амалдаги ифодаси



Айтиш керакки, ушбу қонуннинг амалга жорий этилиши мамлакатимизда либераллаштириш сиёсатининг муҳим таркибий жараёнларини бошлаб берди. Бу

қонун билан жиноятларни таснифлаш, жазо тайинлаш ва жазони ўташ борасидаги қоидаларга муҳим ўзгартиришлар киритилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

Бундан 10 йил муқаддам онам ҳозирда яшаб турган уч хонали уйни менга васият қилиб қолдирган эди. Айтинг-чи, мен қонун бўйича ушбу уйни акамнинг номига расмийлаштиришим мумкинми?

Р.БЕКМУРАТОВ, Қорақалпоғистон Республикаси, Кегейли тумани




— Ҳа, мумкин. Яъни Фуқаролик кодексининг 1147-моддасига кўра, меросхўр мерос очилган кундан эътиборан исталган вақтда меросдан воз кечишга ҳақли. Меросдан воз кечиш меросхўр томонидан мерос очилган жойдаги нотариусга ариза бериш орқали амалга оширилади. Меросдан воз

кечиш кейинчалик бекор қилиниши ёки қайтариб олиниши мумкин эмас. Шунингдек, ушбу кодекснинг 1148-моддасига мувофиқ, меросхўр меросдан воз кечганида васиятнома бўйича ёки қонун бўйича меросхўрлар жумласидан бўлмиш бошқа шахслар фойдасига воз кечаётганини кўрсатишга ҳақли.

Мен Иштихон туманидаги ҳовлида оилам билан истиқомат қиламан. Аммо уйимни сотмаган бўлсам-да, Дилором Ёқубова деган аёл сохта олди-сотди шартномаси билан унга эга чиқмоқда. Айтинг-чи, бундай ҳолатда мен қандай йўл тутишим керак?

Абдурахмон МҮМИНОВ, Самарқанд вилояти, Иштихон тумани

— Маълумки, амалдаги Фуқаролик кодексининг 164-моддасига кўра, мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Демак, ушбу қонун талабидан келиб чиқиб, уй-жойга нисбатан бузилган ҳуқуқларингизни суд



орқали ҳимоя қилишга ҳақлисиз.

Мен бу йил 60 ёшга тўлиб нафақага чиқдим. Аммо 1989-1995 йиллардаги иш ҳақим бўйича маълумот архивга топширилмагани боис ушбу йиллар меҳнат стажимга киритилмади. Айтинг-чи, ушбу ҳолатга аниқлик киритиб, иш стажимни инobatга олиш учун қаерга мурожаат қилишим керак?

Мирзагали БЕКНАЗАРОВ, Навоий вилояти, Томди тумани



— Маълумки, "Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги 2011 йил 8 сентябрдаги Низомнинг 58-бандига кўра, иш стаж тўғрисидаги ҳужжатлар ҳарбий ҳаракатлар, табиий офатлар, авариялар, ҳалокатлар ёки бошқа фақуллодда вазиетлар натижасида тўлиқ сақланмаган ёки қисман сақланган ҳолларда иш стажини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлари Кенгаши ёки вилоятлар, туманлар

(шаҳарлар)нинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари (ҳокимликлар) томонидан ташкил этиладиган иш стажини аниқлаш бўйича махсус комиссиялар томонидан амалга оширилади. Мазкур Низомнинг 74-бандига мувофиқ, авариялар ва маҳаллий кўламдаги бошқа фақуллодда вазиетлар (ёнғин, сув босиши), ташкилотнинг тўлиқ тугатилиши ёхуд ушбу Низомнинг 58-бандида назарда тутилгандан бошқа сабаблар бўйича архив маълумотларининг мавжуд эмаслиги муносабати билан мавжуд иш стаж тўғрисидаги ҳужжатлар мавжуд бўлмаса ва уларни олиш имкони бўлмаганда иш стажини тасдиқлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлари Кенгаши ёки вилоятлар, туманлар

Саволларга Олий суд катта консультанти Гүлнара МИРЗААЛИМОВА жавоб берди.

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бундай мисолларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин. Энг муҳими, Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳамжамиятнинг ўз сўзи ва ўз қатъий позициясига эга бўлган нуфузли аъзосига айланди.

Бир тасаввур қилайлик, тинчлик бўлмаганда ушбу ютуқларга эришган бўлармикан?! Албатта, йўқ. Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилаётган ривожланишнинг "ўзбек модели" муваффақиятининг бош омили юртимизда тинч ва осойишта ҳаёт барқарор таъминланаётганидир. Айнан тинчлик ва осойишталик туфайли мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги изчил ислохотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Мамлакатимиздаги ободлик, тўкин-сочинлик, ривожланиш, бунёдкорлик — буларнинг бари тинчлик туфайлидир. Тинчлик сабаб юртимизда барқарор тараққиёт ва ижтимоий-иқтисодий юксалиш ҳукмрон. Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгармоқда, янгидан-янги саноат корхоналари қурилмоқда, темир йўллар ишга тушмоқда, таълим, тиббиёт, маданият, спорт объектлари барпо этилмоқда, аҳоли турмуш даражаси юксалмоқда.

Энг аввало, тинчлик ва хавфсизликни таъминловчи муҳим қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Чунончи, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида"ги, "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида"ги, "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги, "Мудофаа тўғрисида"ги, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари резервдаги хизмат тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти Концепцияси тасдиқлаш тўғрисида"ги каби қонунлар юртимизда тинчлик, хавфсизликни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Айниқса, 2012 йилда Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолияти Концепцияси тасдиқлаш тўғрисида"ги қонун мамлакатимиз ташқи сиёсатининг узоқ муддатли стратегик мақсад ва вазифаларини ўзида мужасам этиб, ҳозирги даврнинг мураккаб ҳусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ташқи сиёсат юритиш имконини беради. Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик, барқарорлик ва яхши кўшничлик маконини яратишга, келгусида ҳам миллий манфаатларимиз доирасида халқаро ва минтақавий хавфсизлик масалаларини тинч йўл билан ҳал этишга кенг

ташкилий-ҳуқуқий имкониятлар яратилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон бутун минтақада тинчлик кўрғонига айланди, десак, сира муболаға бўлмайди. Мамлакатимиз минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, хавфсизликни таъминлаш, шу жумладан, экологик хавфларни бартараф этиш, халқ фаровонлигини янада юксалтириш бўйича ҳар томонлама асосланган аниқ тақдирларни ўртага қўймоқда ва уларни изчиллик билан амалга оширмоқда.

Биргина мисол, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани барпо этиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан 1993 йил 28 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида илгари сурилган ташаббус қатъиятчилик билан ҳаётга тўлиқ жорий этилди. Ушбу ташаббус асосида 2006 йил 8 сентябрда минтақада ядро қуролидан холи зонани барпо этиш тўғрисида тегишли Шартнома имзоланди. Мазкур Шартнома минтақадаги барча давлатлар томонидан ратификация қилинганидан сўнг 2009 йил 21 мартда расман кучга кирди. 2014 йилнинг 6 май куни эса Марказий Осиё минтақаси ядро қуролидан холи зона сифатида Нью-Йорк шаҳрида бешта ядровий давлат (Буюк Британия, Хитой, Россия, АҚШ ва Франция) томонидан Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этиш тўғрисидаги Шартномага доир Хавфсизлик қафолатлари тўғрисидаги Протокол имзоланиши билан узил-кесил халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилди.

Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари раҳнамолигида амалга оширилган кенг миқёсдаги ислохотлар ҳақида фикр юритганда, замонавий миллий армиямизнинг вужудга келганини ҳам алоҳида таъкидлаш зарур. Мудофаа доктринаси ва Миллий хавфсизлик концепцияси асосида мазмун-моҳиятан янги тамойиллар бўйича Қуроли Кучларни ташкил қилиш ва ислохот этиш дастури ишлаб чиқилди. Мамлакатимиз тинчлиги ва барқарорлигига, чегараларимиз дахлсизлигига ҳар қандай тазовуларга муносиб зарба бера оладиган, стратегик ва тактик вазифаларни юқори даражада ҳал қилишга қодир бўлган, яхши қуролланган, профессионал жиҳатдан тўлиқ шак-

Фаровон ва бахтли ҳаётимиз, эзгу орзуларимиз рўёби



ланган, тезкор Қуроли Кучлар тизимини яратиш ушбу дастурнинг асосий вазифалари эди ва мазкур вазифалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон фуқаролари Қуроли Кучлар сафида хизмат қилишни нафақат фуқаролик бурчи сифатида, шу билан бирга энг юксак мақомдаги мутахассислик сифатида қабул қилмоқдалар. Қуроли Кучларга мудатли ҳарбий хизматга қақирши танлов асосида ўтказилаётганлиги бунинг яққол далилидир. Армия сафларига хизматга келган ёшларимиз бу ерда фақат ҳарбий мутахассисликни эгаллаш билан чекланаётганлари йўқ. Ҳам жисмонан, ҳам маънан чиқиқиб, қатъий иродага ва ҳаётий позицияга эга бўлмоқдалар.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон фақат ўз халқининг эмас, балки бутун Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга ҳам катта эътибор қаратмоқда. Чунончи, мамлакатимиз "Афғонистон муаммоси"ни ечишда, жафоқаш афғон заминидан тинчликни ўрнатилганда бир қатор муҳим ташаббусларни илгари сурмоқда. Бундан ташқари, мамлакатимиз аср вабоси бўлган терроризм, диний экстремизм ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашишда, Марказий Осиё минтақасидаги экологик муаммоларни ечишда ҳам ўзининг бир қатор тақдир ва ташаббуслари билан қат-

нашиб келмоқда.

Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсати, хавфсизликни таъминлаш соҳасида мамлакатимизда олиб борилаётган ишларга дунё жамоатчилиги юксак баҳо бермоқда. Яқинда жаҳон миқёсида қонун устуворлигининг наватбадаги индекси эълон қилинди. "The world justice project" халқаро ташкилотининг йиллик маърузасида ҳуқуқ тартибот ва хавфсизликни таъминлаш бўйича Ўзбекистон 5 етакчи мамлакат қаторидан ўрин олган. Ҳолбуки, тахлил дунёнинг салкам 100 га яқин мамлакатни бўйича олиб борилган. Демак, бугун ўз қадриқимматини, гурурини англаб яшайдиган, юртини ҳимоялаш қудратига эга давлатимизни жаҳон тан олмақда.

Мустақиллигимизнинг йигирма уч йиллиги кутлуғ байрами арафасида юртимизда амалга оширилган бемисл эзгу ишлар, кенг қамровли ислохотлар ҳақида ўйлар эканмиз, аввало, қалбимиз ғурурга тўлади. Биз танлаган йўлнинг нақадар тўри ва одилона эканлигига амин бўламиз. Зеро, тинчликпарвар, бағрикенг, садоқатли ва яратувчан халқимиз фидойилиги, катта меҳнатлари эвазига эришилган Ватанимиз тарқайи тобора гуллаб-яшнағай.

Қодир ЖҲРАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси

Қонун қонмағи

Шартномавий муносабатлар

қонун талабига тўлиқ риоя этишни талаб қилади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Чунончи, жорий йилнинг ўтган даврида шартномавий-ҳуқуқий муносабатларга оид 29 та ҳужжали юритувчи субьектда ўрганишлар ўтказилиб, уларнинг якунига кўра, шартномаларнинг тузилиши бўйича айрим қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди. Ушбу қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан

тегишли ташкилотларга 47 та тақдимнома киритилди. Мазкур тақдимномаларга асосан 72 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, 6 миллиард 145,6 миллион сўм миқдоридagi маблағ фермер хўжалиқлари қайтарилиши таъминланди.

Шунингдек, фермер хўжалиқлари манфаатларини кўзлаб, судларга 414,8 мил-

лион сўмлик 129 та даъво аризаси киритилди ва 318,4 миллион сўмлик 116 та даъво ариза қаноатландирилди.

Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, "Қорақўлдонмахсулотлари" ОАЖ томонидан 53 та фермер хўжалигига 147,9 миллион сўм миқдоридagi маблағ тўланмай келинаётгани аниқланди. Бу қарздорликни ундириш юзасидан

хўжалик судига даъво аризалари киритилди ва суднинг ҳал қилув қарорларига кўра, даъво талаблари тўлиқ қаноатландирилди.

Хусусан, вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарорига биноан, "Қорақўлдонмахсулотлари" ОАЖ ҳисобидан Қорақўл туманидаги "Худой Рамазон" фермер хўжалиги фойдасига 5 924 314 сўм асосий қарз ва 592 431 сўм пеня

ундириш белгиланди.

Шунингдек, "Қорақўлдонмахсулотлари" ОАЖ ҳисобидан Қорақўл туманидаги "Султаймон замини" фермер хўжалиги фойдасига 5 829 549 сўм асосий қарз ва 582 955 сўм пеня ундирилди.

Хулоса қилиб айтганда, шартномаларни тузиш чоғида қонунчиликка риоя қилиш ва унинг шартларини тўлиқ адо этиш талабларини мулкчи манфаатдорлигини таъминлаш баробарида иқтисодиётимизнинг барқарор суратларда ривожланишига муносиб улуш қўшади.

Маҳмуд МИРМУЛЛОЕВ, Бухоро вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турларини қўллаш доираси сезиларли даражада кенгайтирилди. Энг муҳими, халқимизнинг кўп асрлик қадриятларини ўзида мужассам этган ярашув институти амалга жорий этилди.

Бундан ташқари Жиноят кодексининг 167, 168, 170, 184-моддаларида кўзда тутилган жиноятлар учун - жиноят оқибатида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда, 173, 175, 180 ва 181-моддаларида назарда тутилган жиноятлар учун — жиноят оқибатида етказилган моддий зарар уч бартараф қилиб қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тартиқасидаги жазо қўлланилмаслиги белгилаб қўйилди.

Энг муҳими, ушбу қонун меъёрларининг амалда самарали татбиқ этилаётгани — турли сабабларга кўра, жиноий қилишга қўл урган кимсалар қилмишидан пушаймон бўлиб, ҳаётда яна тўғри йўлга тушиб олишида муҳим ўрин тушмоқда.

Айтиш керакки, жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти, туман (шаҳар) судлари томонидан 2012 йилда

жами 812 нафар шахсга нисбатан 774 та жиноят иши, 2013 йилда 930 нафар шахсга нисбатан 885 та жиноят иши, 2014 йилнинг 6 ойи давомида 359 нафар шахсга нисбатан 335 та жиноят иши ярашув тартибиде тугатилди.

Шу ўринда ҳаётий мисолларга эътибор қаратсак, шу йилнинг 25 март куни Х.Ҳабибуллаев (исм-шарифлар ўзгартирилган) Чортоқ шаҳрининг "Наманган" кўчасида жойлашган автомобиллар тўхташ жойида А.Пўлатов билан ўзаро тортишиб қолади. Шундан сўнг улар Чортоқ туманининг "Сохибкор" маҳалла фуқаролар йиғини худудидаги дала майдонига йўл олишади. Шу ерда Х.Ҳабибуллаев А.Пўлатовнинг юзига қутилмаганда мушт тушириб, тан жароҳати етказиши ва бунинг оқибатида у касалхонага ётқизилади.

Суд-тиббий экспертизаси хулосасига кўра, А.Пўлатовга ўртача даражада оғир тан жароҳати етказилган.

Табиийки, ҳаётда жиноий қилиш жазосиз қолмайди. Х.Ҳабибуллаевга нисбатан Жиноят кодексининг 105-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Айтиш керакки, суд мажлиси жараёнида жабранувчи А.Пўлатов ва суд-

ланувчи Х.Ҳабибуллаев ариза билан мурожаат қилиб, ўзаро ярашиб олишгани, етказилган зарар тўлиқ қоплангани қайд этиб, жиноят ишини ярашув тартибиде кўриб чиқиб, ҳаракатдан тугатишни сўрашди.

Жиноят ишлари бўйича Чортоқ туман суди Х.Ҳабибуллаевга нисбатан юритилган жиноят ишини, тарафлар ўзаро ярашиб олгани сабабли, Жиноят кодексининг 66-моддасига асосан, ҳаракатдан тугатди.

Шу ўринда иккинчи мисолга эътибор қаратсак, К.Неъматов Н.Усмоновга қарашли "Дамас" русумли автомобилни ишонч қозғасиз "Учқўрғон-Бурилла" автомобил йўналиши бўйича бошқариб кетаётган, йўлнинг 7 километрида йўл ҳаракати қоидалари талабларига амал қилмай, 2004 йилда тугилган Д.Усмоновани уриб юборади. Д.Усмонова олган тан жароҳати натижасида касалхонага ётқизилади.

Суд-тиббий экспертизаси хулосасига кўра, вояга етмаган Д.Усмонова оғирлик даражасига кўра, саломатлигини узоқ муддат бузилишига сабаб бўлган ўртача оғир тан жароҳати олган.

Айтиш керакки, К.Неъматов ўзининг юқоридаги гайриқонуний ҳаракати билан амалдаги Йўл ҳаракати қоидаларининг 3.2, 3.5 ва 12.1 бандлари талабларини қўпол равишда бузган.

Бу қилмиши билан у Жиноят кодексининг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган.

Суд мажлиси жараёнида жабранувчининг қонуний вақили Р.Болтабоев ва судланувчи К.Неъматов ариза билан мурожаат қилиб, ўзаро ярашиб олишгани, етказилган зарар тўлиқ қопланганини қайд этиб, жиноят ишини ярашув тартибиде кўриб чиқиб, ҳаракатдан тугатишни сўрашди.

Insonparvarlik tamoyili

Бағрикенглик ва

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Этиборли жиҳати шундаки, бу борада амалга оширилган чора-тадбирлар самараси ўлароқ мамлакатимизда истиклол йилларида оналар ва болалар ўлими 3 баробарга камайиб, ўртача умр кўриш 67 ёшдан 73 ёшгача узайди. Бундан ташқари эмлаш ишларининг ўз вақтида амалга оширилиши натижасида кизамик, кўкйўтал, қоқшол, дифтерия, полиомиелит, паротит каби юқумли касалликларнинг олди олиниб, уларнинг айримлари кейинги йилларда умуман қайд этилмаганлиги барча зарур профилактик ва эпидемиологияга қарши тадбирларнинг самарасидир.

Албатта, бу борадаги ислохотларни изчиллик билан давом эттириш, айниса, қонун ҳужжатларини давр талабидан келиб чиқиб, такомиллаштириш долзарб вазифи саналади.

Шу маънода жорий йилнинг 9 июль кунини Вазирилар Маҳкамаси томонидан "Аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осойишталиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилгани алоҳида қайд этиш жоиз. Қонун лойиҳаси 7 та боб, 45 та моддадан иборат.

Мазкур қонун лойиҳаси Президентимизнинг 2014 йил 19 февралдаги Қарори билан тасдиқланган "Соғлом бола йили" Давлат дастурининг 1-боби 3-бандда белгиланган вазифалар, яъни аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, шу жумладан, таълим-тарбия, маданият, спорт ва бошқа муассасаларга қўйилган санитария-эпидемиологик, касалликлар профилактикаси бўйича талабларни, аҳоли, айниқса, болаларни эмлаш, соғлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, санитария нормалари ва қоидаларига риоя этишни таъминлашнинг ҳамда мактабгача, умумий, ўрта махсус ва касб-хунар таълими босқичларида болаларни санитария ва гигиена асосларига ўқитишга доир чора-тадбирларни жорий этиш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда соҳага оид халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормалари инобатга олинган, шунингдек, АКШ, Буюк Британия, Франция каби давлатлар тажрибаси ўрганилган.

Ушбу қонун лойиҳасида қонунни амалда қўллашни соддалаштириш мақсадида санитария-эпидемиологик осойишталиқни таъминлаш соҳасидаги асосий тушунчалар алоҳида моддада белгилаб қўйилган.

Шунингдек, қонун лойиҳасида

Qonun ijodkorligi

Аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларидаги осойишталиги

бу борадаги ҳуқуқий асослар янада такомиллаштирилмоқда

нинг 6-моддасида аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш таъминлаш ҳамда унинг асосий йўналишларини белгилаш, соҳага оид давлат дастурларини тасдиқлаш ва амалга ошириш, давлат назоратини олиб боришни ташкил этиш ва бошқа шу каби ваколатлар Вазирилар Маҳкамаси ваколатларига киритилмоқда. Бундан ташқари қонун лойиҳасининг 7-моддасида ижро механизминини таъминловчи санитария қоидалари, меъёрлари ва гигиена нормаларига алоҳида таъриф берилган.

Кези келганда шуни айтиш жоизки, ушбу қонун лойиҳасининг амалдаги "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги қонундан бир қатор фарқли жиҳатлари бор. Аниқроқ айтганда, қонун лойиҳасида аҳолининг санитария-эпидемиология маса-

ларларидаги осойишталигини таъминлаш соҳасида юридик ва жисмоний шахслар, яқка тартибдаги тадбиркорларга санитария-эпидемиологик осойишталиқнинг таъминлашида муайян мажбуриятлар юкляниши баробарида уларнинг бу борадаги ҳуқуқлари ҳам алоҳида белгилаб қўйилмоқда (3-боб, 8-12 моддалар).

Ўз навбатида, қонун лойиҳасининг 12-моддасида аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларидаги осойишталигини таъминлаш соҳасида фуқаро-

салликларнинг келиб чиқиши ва тарқалишининг олдини олишга, соҳага оид талабларни махсус экспертизадан ўтказишга доир санитария-эпидемиологик талаблар белгиланмоқда ва ушбу меъёрлар 13-23-моддаларда ўзининг теран ифодасини топган.

Қонун лойиҳасининг 5-боби 24-29-моддаларни ўз ичига олади ва унда Ўзбекистон Республикаси ҳудудини санитария жиҳатдан муҳофаза қилиш, профилактик эмлашлар ўтказиш, дезинфекция, мажбурий тиббий кўриклар ҳамда эпидемик ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби аниқ белгилаб қўйилган.

Қонун лойиҳасининг 6-боби 30-39-моддалардан иборат бўлиб, "Давлат санитария назорати" деб номланмоқда ва унда давлат санитария назоратини амалга оширувчи органлар, мансабдор шахслар, Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитар врач, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманларнинг бош давлат санитария врачларининг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги ҳамда уларнинг ҳаракати ва ҳаракатсизлиги устидан шикоят қилиш ҳамда ушбу мансабдор шахслар фаолиятининг асосий қафолатлари, уларнинг фаолиятига аралаштишга йўл қўймаслиқ ҳақидаги талабларни белгилаш назарда тутилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши "Соғлом бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қилади ва аҳолининг санитария-эпидемиология масалаларида осойишталигини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиши баробарида, Ўзбекистоннинг Минг йиллик виллоҳани мақсадларига эришиш учун қўйилган вазифаларнинг тўлақонли рўёбга чиқишида муҳим аҳамият касб этади.

Нурия АЙТЖАНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Умумий юрисдикция судларининг ихтисослаштирилганлиги уларнинг жиноят ва фуқаролик ишларини малакали асосда кўриб чиқиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўла ва ҳар томонлама ҳимоя қилиш бўйича фаолияти самарадорлигини оширди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида "Фуқаролик процессуал кодексини такомиллаштириш: процессуал муқаддатлар ва уларни қўллашдаги айрим муаммолар" мавзусида ташкил этилган давра суҳбатиде шулар ҳақида сўз юритилди. Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизимини мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда де-

Xabar

Одил судловни таъминлашнинг муҳим шартлари

путатлар, судьялар, прокурорлар, олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари Қ.Тоғаев ва бошқалар истиклол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш борасида барча зарур шарт-шароитлар яратилганини таъкидлади. Аввало, суд ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жа-

моат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритиш таъминлаш бўйича зарур ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Натижада фуқароларнинг судларга бўлган ишончи ортиб бормоқда. Суд жараёнида ишларни малакали ва сифатли кўриб чиқишни янада яқинлашга эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ишларни кўриб чиқишда процессуал муқаддатларга амал қилиш, соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки ишларнинг процессуал муқаддатлари

тиклаш тартиби ва унинг ҳуқуқий оқибатлари мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, бу масалаларга риоя этиш одил судловнинг таъминлашини кафолатлайди.

Давра суҳбатиде фуқаролик процессуал қонунчилиқда муқаддатларга оид нормаларни такомиллаштириш фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига хизмат қилиши, шу боис бу борадаги бўшлиқларни бартараф этиш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди. Суд қарорларини қайта кўриб чиқиш муқаддатларини ҳам оптималлаштириш мақсадга мувофиқлигига эътибор қаратилди.

Тадбирда муҳокама этилган масала бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎЗА МУХБИРИ

Кечиримлиликнинг амалдаги ифодаси

Суд жабрланувчи ва судланувчининг илтимосини эътиборга олиб, жиноят ишини, Жиноят кодексининг 66¹-моддасига асосан, ҳаракатдан тугатди.

Ўрни келганда шуни айтиш керакки, суд муҳокамаси давомида судлар ярашувининг ихтиёрлиги, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ўз айбиға ихтиёрли иқроор бўлганлиги; гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ўзи содир этган қилмишнинг оқибатларини англаб етгани ва етказилган зарарини бартараф этиш чораларини кўрганлиги, жабрланувчига (фуқаровий даъвогарга) ёки гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлган бўлмаганини аниқлаши лозим.

Агар судлар томонидан суд мажлиси давомида ярашув, айбига иқроор бўлиш ихтиёрли эмаслиги зарарини қоплашдан бош тортиш

шунингдек, содир этилган қилмишда оғирроқ жиноят таркиби белгилари мавжудлиги аниқланса, суд амалдаги қонун талабига кўра, дастлабки тергов юриштиш учун ишни прокурорга юбориш тўғрисида ажрим чиқариши керак.

Жиноят процессуал кодексининг 62-бобида ярашув тўғрисидаги ишларни юритишнинг махсус тартиби белгиланган. Унга кўра, ярашув тўғрисидаги ариза жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёхуд унинг қонуний вакили томонидан суриштирув ва дастлабки терговнинг, шунингдек, суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд маслаҳатхонага кирмасдан олдин тақдим этилиши керак. Аризада етказилган зиён бартараф этилгани, шунингдек, ярашганлиги муносабати билан жиноят иши бўйича иш юритишни тугатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган бўлиши

шарт. Ярашув битими бўйича жавобгар жиноий жавобгарликдан озод қилингандан сўнг бу жиноят бўйича қайта жиноят иши юритиш мумкин эмас.

Ярашилганлик муносабати билан ишни тугатишнинг афзаллиги шундаки, агар ярашув суд томонидан тасдиқланса, ишни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинса, иш юзасидан узил-кесил тўхтама келинади. Суд ярашувни тасдиқлагач, яъни суд ажримни ўқиб эшиттирганидан сўнг жабрланувчи юқори турувчи судга ушбу иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқига эга бўлмайди. Албатта, янги очилган ҳолатларга кўра, ярашувга тўқсинлик қиладиган ҳолатлар бундан мустасно. Шунингдек, жиноят содир этган шахс жиноий жавобгарликдан озод этилгани боис судлан-

маган ҳисобланади.

Олий суд Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги "Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида"ги қарорининг 4-бандида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг зиммасига ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатлар жабрланувчи (фуқаровий даъвогар)га тушунтирилиши шартлиги юклатилган. Бу талабга риоя этмаслик ярашув тўғрисидаги иш бўйича чиқарилган қарорнинг бекор қилинишига асос бўлиши мумкин.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, халқимизга хос бўлган бағрикенглик ва кечиримлиликнинг амалий ифодаси — ярашув институтининг қонунчилигимиздан мустаҳкам ўрин олгани инсонпарварлик тамойилига тўлиқ риоя этиш имконини берибгина қолмай, кўплаб юртдошларимиз тақдирда ихтиёрли ўзгартириш ясаётгани билан аҳамиятлидир.

Илбс УСМАНОВ,
жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти судининг суд амалиёти ва статистика таҳлил бўлими бошлиғи

Tahlil, taklif va mulohaza

Фуқаролик процессида муқаддатлар ва унга риоя этишнинг аҳамияти

амалдаги қонунчиликни янада такомиллаштиришга доир баъзи тақлифлар

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Судья мазкур моддада белгиланган муқаддатларга қатъий риоя этиши, яъни ариза қабул қилинган кундан бошлаб ўн кунлик муқаддатдан кечиктирмасдан фуқаролик ишини судда кўришга тайёрлаши, алоҳида ҳолларда ўта мураккаб ишлар бўйича ўзининг асосланганлигини асослаш биноан ушбу муқаддатни кўпи билан яна 10 кунга узайтириб, йигирма кунда ишни судда кўришга тайёрлаш бўйича барча процессуал ҳаракатларни амалга ошириши шарт.

Алимент ундириш, майиб бўлиш ёки соғлиққа бошқача тарзда шикаст етганлиги, шунингдек, боқувчининг ўлими натижасида кўрилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ишлар ҳамда меҳнатга доир ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган талаблар бўйича кўзга тутилган ишлар, башарти тарафлар бир туман ёки шаҳарда жойлашган бўлса, биринчи инстанция суди томонидан судда кўришга тайёрлаб бўлинган кундан эътиборан ўн кундан кечиктирмасдан, бошқа ҳолларда эса, йигирма кундан кечиктирмай кўрилиши лозим.

Ариза судга қабул қилиниб, фуқаролик иши кўзга тутилган, судья 10 кунлик муқаддатда ишни судда кўриш учун тайёрлаши ва тайёрлаб бўлган, бир ойдан кечиктирмасдан кўриши, яъни жами 40 кунда иш ўзининг қонуний ечимини топиши лозим. Алоҳида мураккаб ишлар бўйича ушбу муқаддат 50 кунни ташкил этади.

Статистик маълумотларга кўра, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 2013 йилда жами 11.891 та иш кўриб тугатилган, 1.145.601 та суд буйруғи чиқарилган.

2014 йилнинг ўтган олти ойда бу кўрсаткич 7.151 та фуқаролик иши ва 477.125 та суд буйруғини ташкил этган.

Статистик таҳлиллардан кўринишича, 2013 йилда биринчи инстанцияда иш кўришда 390 та иш бўйича Фуқаролик процессуал кодексининг 131-моддасида кўрсатилган бир ойллик муқаддат бузилган бўлса, 2014 йилнинг 6 ойда бу кўрсаткич 398 та ишни ташкил этган.

Ушбу муқаддати бузилган ишлар таҳлилидан кўринишича, асосан, бир неча даъвогар ва бир неча жавобгарлар иштирокидаги ҳамда бир неча даъво талаблари мавжуд, турли суд экспертизалари ўтказиш талаб этиладиган фуқаролик ишларини кўришда бир ойллик процессуал муқаддатлар бузилган.

Амалдаги Жиноят процессуал кодексининг 405-моддасига кўра, жиноят ишини кўриш муқаддати икки ой.

Маълумки, фуқаролик ишлари бўйича далиллар жиноят процессидан фарқли равишда асосан, бевосита суд процессида йиғилади.

Шунинг учун ҳам, амалдаги қонунчиликда белгиланган бир ойллик муқаддат икки ойга узайтирилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Шунингдек, Фуқаролик процессуал кодексининг ишларни апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида кўриш муқаддатлари ҳам назарда тутилган бўлиб, тегишли инстанцияда ишни кўришда судьялар Фуқаролик процессуал кодексининг 331,348¹² ва 350-моддасида қайд этилган муқаддатларга риоя қилиши қатъий талаб қилинади.

Хусусан, Фуқаролик процессуал кодексининг 320-моддасида ишларни вилоят ва унга тенглаштирилган судларнинг апелляция инстанциясида кўриш учун йигирма кунлик муқаддат белгиланган бўлиб, ушбу муқаддат фуқаролик иши апелляция шикоятни ёки протест билан апелляция инстанциясига келиб тушган кундан бошлаб ҳисобланади. Иш ўта мураккаб бўлган ёки бошқа алоҳида ҳолларда тегишли суднинг раиси томонидан ушбу муқаддат кўпи билан яна ўн кунга узайтирилиши мумкин.

Суд амалиёти таҳлилидан кўринишича, бугунги кунда суд томо-

нидан йўл қўйилган ҳатолар асосан апелляция инстанцияси томонидан ўз вақтида бартараф этилмоқда. Шу ўринда апелляция инстанциясида иш кўриш муқаддатлари билан боғлиқ айрим фикр-мулоҳазаларни билдириб ўтмоқчимиз.

Хусусан, апелляция инстанциясида ишни кўриш учун белгиланган йигирма кунлик муқаддат доим ҳам етарли эмас. Чунки апелляция инстанциясида кассация инстанциясидан фарқли равишда иш тўлиқ ҳажмда кўрилади. Ваҳоланки, кассация инстанциясида иш кўриш учун бир ойллик муқаддат белгиланган.

Шунга кўра, апелляция инстанциясида иш кўриш муқаддатини кассация инстанциясида иш кўриш муқаддати билан тенглаштирилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг 348¹-моддасида белгиланган муқаддатга кўра, қонуний кучга кирган, апелляция тартибиде кўрилмаган ҳал қилув қарорлари устидан суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан бир йил ичида тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар кассация шикояти бериши ва прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин.

Суд амалиёти таҳлилидан кўринишича, 2014 йилда кассация инстанцияси томонидан жами 3002 та иш кўрилган бўлиб, кассация шикояти билан мурожаат қилиш муқаддатлари ўрганилганда мазкур шикоятларнинг асосий қисми ҳал қилув қарори чиққанидан кейин 2-5 ойда берилган ва кассация инстанциясида мазмунан кўрилган.

Шу даврда вилоят ва унга тенглаштирилган судлар кассация инстанцияси томонидан жами кўрилган 3002 та ишдан атиги 26 таси суд қарори чиққанидан кейин 1 йил муқаддатга бориб мазмунан кўрилган.

Ушбу ишлар юзасидан ҳал қилув қарори чиққанидан кейин 1 йиллик муқаддатнинг охирида кўрилишига айрим ишлар бўйича кассация шикояти, протест белгиланган бир йиллик муқаддатнинг охирига бориб берилгани, айрим ишлар бўйича эса, кассация инстанцияси томонидан судга оид турли экспертизалар тайинланганлиги сабаб бўлган.

Шундан кўринадики, Фуқаролик процессуал кодексининг 348¹-моддасида белгиланган 1 йиллик процессуал муқаддатни қисқартириб, кассация шикояти ва протести билан мурожаат қилиш муқаддатини 6 ой қилиб ўзгартириш имконияти мавжуд.

Қонунга бундай ўзгартириш киритиш амалда ишдаги тарафларнинг суд қарорига нисбатан шикоят келтиришида таъсир қилмайди. Аксинча, суд қароридан норози бўлган тарафни ўз вақтида шикоят билан мурожаат қилишга ўргатади, фуқаролик ишининг узоқ муқаддат кўрилишининг олдини олади.

Амалдаги Фуқаролик процессуал кодексининг 348¹²-моддасига кўра, судья ёки суд раиси кассация шикоятни ёки протест келиб тушган кундан эътиборан йигирма кунлик муқаддат ичида ишни шикоят ёки протест билан бирга кассация инстанцияси судига юбориши шарт.

Фуқаролик процессуал кодексининг 348¹²-моддасида кассация инстанциясида ишни кўриш учун белгиланган муқаддат иш кўриш учун келиб тушган кундан эътиборан бир ойни ташкил этиб, иш ўта мураккаб бўлган ёки бошқа ҳолатларда тегишли суд раиси томонидан кўпи билан яна йигирма кунга узайтирилиши мумкин.

Ушбу муқаддат ишни кассация инстанциясида кўриб, мазмунан ҳал этиш учун ётарли.

(Давоми кейинги сонларда)

Холмўмин ЁДГОРОВ,
Олий суд судьяси

Мақтабга эътибор — келажакка эътибор

Ўтаётган ҳар бир кун бизни энг улуғ, энг азиз айём - Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллик шодиечаларига яқинлаштирмоқда. Халқимиз ушбу қутлуғ байрамни муносиб кутиб олиш, уни кенг нишонлаш учун катта тайёргарлик кўрмоқда.

Президентимиз раҳнамолигида таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга иштирок этган оддий педагог сифатида истиқлол менинг ҳаётимда, тақдиримда ҳам туб бурилиш ясаганидан юятам мамнунман. Умримнинг сўнгги йигирма уч йилда ўтаётган ҳар бир куннинг қадри ва мазмуни мен учун бебаҳо эканини гуруҳ билан таъкидлар эканман, ҳаётимда хотиралари жонланади.

...Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида мен ўқитувчилик фаолиятимни бошлаган Қўқон шаҳридаги 10-умумтаълим мактабида радио, телевизор, ўқув-техника воситалари, лаборатория жиҳозлари бўлмаган, умуман, моддий техник база деган тушунчанинг ўзи йўқ эди. Кутубхонадаги китобларнинг барчаси ўша давр руҳи билан "тўла суғорилган" бўлиб, бизнинг тарихимиз, қадимий ва бой маданий-маънавий меросимиз ҳақида деярли лом-мим дейилмас эди.

Истиқлол ҳаммасини ўзгартириб юборди. Албатта, бу улғувор ишларнинг бошида мард ва жасур Юртбошимиз турди. МДХ давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистон Республикасида "Таълим тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Сўнгра, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан жаҳонда андозаси бўлмаган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, кейинчалик Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури ишлаб чиқилди ва амалиётга муваффақиятли татбиқ этилди. Яъни, 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик узлуксиз мажбурий бепул таълим тизими жорий қилинди.

Ушбу моделнинг принципиал хусусияти шундаки, умумтаълим



мактабдаги 9 йиллик ўқишдан сўнг ўқувчи кейинги 3 йил давомида ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари ва академик лицейларда тахсил олиб, умумтаълим фанлари билан бирга меҳнат бозорига талаб қилинадиган икки-уч мутахассислик бўйича касб-хунар эгаллаяди. Фарзандларининг (атай ёшларининг демаянман) 12 йиллик бепул таълим олишини таъминлаш, бунинг учун зарур шароит-

лар яратиш, керак бўлса, бу мақсадга бутун мамлакатнинг ихтисодий имкониятини йўналтирган яна биронта шундай давлат борми? Битирувчиларни доимий иш билан таъминлаш ҳақида ғамхўрлик қиладиган давлат раҳбари-чи? Таълим олди, энди у ёғи билан давлатнинг иши йўқ, деб ташлаб қўйса биров уришарми? Йўқ, ўзбек халқи бугундан кўра эртасини кўпроқ ўйлайди. Ўзбекистон халқ

шоири Мухаммад Юсуф ёзганидек, "Яшаса, болам деб яшайди ўзбек".

Тўғриси айтганда, бугун ўқитувчининг замони келди. Мамлакатимизда таълим соҳасини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик самарасини олиш ва чекка қишлоқлар, бориш қийин бўлган худудларда ҳам қад ростлаётган замонавий ва мухташам илм даргоҳлари мисолида кўриб турибмиз. Муҳими, мазкур таълим муассасалари нафақат ташқи кўриниши, балки у ерда яратилган шароит ва қулайликлар билан ҳам кишида ҳавас уйғотади.

Кенг ва ёруғ ўқув хоналари, лингафон, компьютер синфлари энг сўнгги русумдаги жиҳозлар билан таъминланган. Бу ўқитувчиларнинг завқ билан дарс ўтиши, ёшларнинг пухта билим олишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Фидокорона меҳнат қилган, ташаббус кўрсатган киши, албатта, эл-юрт назарига тушади, давлатимиз томонидан меҳнати муносиб қадрланади. Бунга ўзимнинг ҳаётим, фаолиятим яхши мисол.

Турли тадбирларда, байраму тўй-ҳашамларда, илм масканларида, корхоналарда бўлганда юртдошларимиз, айниқса, ёшларимиз юзидаги самимият ва бугунги фаровон турмушдан қаноатни кўриб, бу муқаддас Ватанда инсон ҳамиша азиз эканидан мамнуният туяман.

Шундай кезларда Президентимизнинг шу йил 1 июлда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қароридида қайд этилган "Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!" деган олижаноб ғоя нақадар улғувор ва уни тарғиб қилиш нақадар буюк шараф эканига такрор-такрор амин бўлман.

Манзураҳон МАДАЛИЕВА,
Ўзбекистон Қажрамони,
ЎЗА

Э Ў Л О Н !

Умумий юрисдикция судларининг судьяси лавозими захирасига ҳужжат топшириш истагини билдирган фуқаролар ДИҚҚАТИГА

Умумий юрисдикция судларининг судьяси лавозими захирасига қуйидаги талаблар асосида ҳужжат топширилади: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 29 декабрдаги Ф-3949-сонли Фармойиши билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида"ги Низомнинг 8-бандига кўра, судьялик лавозимларига биринчи марта тайинланадиган номзодлар захирасига тайёргарлик кўрган, катта ҳаётий тажрибага, бенуқсон обрў-эътиборга эга, ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик

маълумотли, юридик ихтисослиги бўйича иш стажы камида беш йил бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари киритилиши мумкин.

Шунингдек, ушбу Низомнинг 4-бўлимига мувофиқ бошқа судьялик лавозимларига номзодини кўрсатиш истагини билдирган шахслар Комиссияга бевосита ёки Умумий юрисдикция судлари судьялари олий малака ҳайъати орқали ариза ва зарур ҳужжатларни тақдим этишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси умумий юрисдикция судлари тизимида 2014 йилнинг 4 август ҳолатига кўра, қуйидаги вақант судьялик лавозимлари мавжуд:

- фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилояти суди — раис, 2 нафар судьялик, туманларо судларининг 5 нафар судьялик лавозими;

Самарқанд вилояти:

- жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти суди — 1 нафар судьялик, туман (шаҳар) судларининг 3 нафар судьялик лавозими;

- фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти суди — раис, 3 нафар судьялик, туманларо судларининг 4 нафар раислик ва 5 нафар судьялик лавозими;

Сирдарё вилояти:

- жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилояти суди — 1 нафар судьялик, туман (шаҳар) судларининг 2 нафар раислик ва 3 нафар судьялик лавозими;

- фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти суди — 2 нафар судьялик, туманларо судларининг 2 нафар раислик ва 4 нафар судьялик лавозими;

Сурхондарё вилояти:

- жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти суди — 3 нафар судьялик, туман судларининг 6 нафар раислик лавозими;

- фуқаролик ишлари бўйича Сурхондарё вилояти суди — 3 нафар судьялик, туманларо судларининг 4 нафар раислик ва 2 нафар судьялик лавозими;

Фарғона вилояти:

- жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти суди — раис ўринбосари, 4 нафар судьялик, туман (шаҳар) судларининг 7 нафар раислик ва 2 нафар судьялик лавозими;

- фуқаролик ишлари бўйича Фарғона вилояти суди — раис ўринбосари, 1 нафар судьялик, туманларо судларининг 2 нафар раислик ва 1 нафар судьялик лавозими;

Хоразм вилояти:

- жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти суди — раис, 1 нафар судьялик, туман судларининг 2 нафар раислик ва 1 нафар судьялик лавозими;

- фуқаролик ишлари бўйича Хоразм вилоят суди — 3 нафар судьялик, туманларо судларининг 1 нафар раислик лавозимлари;

Тошкент вилояти:

- жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти суди — 2 нафар судьялик, туман (шаҳар) судларининг 7 нафар раислик ва 16 нафар судьялик лавозими;

- фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилояти суди — 3 нафар судьялик, туманларо судларининг 5 нафар раислик ва 16 нафар судьялик лавозими;

Тошкент шаҳри:

- жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди — раис ўринбосари, туман судларининг 2 нафар раислик ва 13 нафар судьялик лавозими;

- фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди — раис ўринбосари, 1 нафар судьялик, туманларо судларининг 1 нафар раислик ва 14 нафар судьялик лавозими вақант.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди:

- Ўзбекистон Республикаси Олий суди — 1 нафар раис ўринбосари, 4 нафар судьялик лавозими;

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди:

- Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди — 4 нафар судьялик, округ ва худудий ҳарбий судларнинг 5 нафар раислик, 1 нафар раис ўринбосари ва 3 нафар судьялик лавозими;

Қорақалпоғистон Республикаси:

- Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди — 1 нафар раис ўринбосари, 3 нафар судьялик, туман (шаҳар) судларининг 4 нафар раислик ва 3 нафар судьялик лавозими;

- Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ишлари бўйича Олий суди — 1 нафар судьялик ва туманларо судларининг 1 нафар судьялик лавозими;

Андижон вилояти:

- жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти суди — раис ўринбосари, туман (шаҳар) судларининг 4 нафар раислик ва 3 нафар судьялик лавозими;

- фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилояти суди — 3 нафар судьялик, туманларо судларининг 3 нафар раислик ва 3 нафар судьялик лавозими;

Бухоро вилояти:

- жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти суди — 1 нафар судьялик, туман (шаҳар) судлари — 5 нафар раислик ва 2 нафар судьялик лавозими;

- фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти суди — 3 нафар судьялик, туманларо судларининг 2 нафар раислик ва 5 нафар судьялик лавозими;

Жиззах вилояти:

- жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти суди — 1 нафар судьялик, туман судларининг 3 нафар раислик лавозими;

- фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилояти суди — раис ўринбосари, 1 нафар судьялик, туманларо судлари — 2 нафар раислик лавозими;

Қашқадарё вилояти:

- жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди — 1 нафар судьялик, туман (шаҳар) судларининг 2 нафар раислик ва 1 нафар судьялик лавозими;

- фуқаролик ишлари бўйича Қашқадарё вилояти суди — 2 нафар судьялик, туманларо судларининг 2 нафар раислик ва 3 нафар судьялик лавозими;

Навоий вилояти:

- жиноят ишлари бўйича Навоий вилояти суди — 2 нафар судьялик, туман (шаҳар) судларининг 2 нафар раислик лавозими;

- фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти суди — 1 нафар судьялик, туманларо судларининг 2 нафар раислик ва 1 нафар судьялик лавозими;

Наманган вилояти:

- жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти туман (шаҳар) судларининг 5 нафар раислик ва 2 нафар судьялик лавозими;

Jinoyat va jazo

Maslahat

Фуқаровий жавобгар

унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат?

Жиноят процессуал кодексининг 59-моддасига кўра, фуқаровий жавобгарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

Фуқаровий жавобгар: айблов ва фуқаровий давонинг мазмунини билиш; даввога эътироз билдириш; тушунтириш бериш; ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил олиш; далиллар тақдим қилиш; илтимоснома бериш ва рад қилиш; дастлабки тергов тасмол бўлгандан сўнг ишнинг барча материаллари билан танишиш ва ундан зарур маълумотларни ёзиб олиш; материаллар ва ҳужжатлардан техника воситалари ёрдамида ўз ҳисобидан кўчирма нусхалар олиш ёки улардаги маълумотларни ўзга шаклда қайд этиш; биринчи инстанция, апелляция, кассация ва назорат инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш; суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг ҳара-

катлари ва қарорлари устидан шикоятлар келтириш; суд ҳукми ва ажримининг фуқаровий даввога тегишли қисми устидан шикоятлар бериш; иш бўйича келтирилган шикоят ва протестлардан хабардор бўлиш ва уларга нисбатан эътирозлар билдириш ҳуқуқига эгадир.

Фуқаровий жавобгар: суриштирувчи, терговчи, прокурор, суднинг қақуриғига биоан ҳозир бўлиши ва уларнинг талабларига асосан фуқаровий даввога тегишли бўлган далилларни тақдим қилиши; ҳақиқатни аниқлашга далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш, гувоҳларни кўндиришга уришиш ва қонунга ҳилоф бошқа ҳаракатлар билан тўққинлик қилмаслиги; ишнинг терговчи ва суд мажлиси вақтида тартибга риоя этиши шарт.

Лазиз КОДИРКУЛОВ,
Олий суди катта консультанти

Ёшлик — инсон умрининг энг гўзал ва бегубор фасли. Ана шу бебаҳо даврнинг ҳар дақиқасини ганимат билиб, уни мазмунли ўтказиш эса, шубҳасиз, инсон ҳаётини безайди, уни қомиллик сари элтади.

Бугун жамиятимизнинг қайси бир жабҳасига назар ташламанг, ёшларнинг ўз ўрни, салоҳияти, ғайрат-шижоати борлигини кўриб, қалбимиз беҳштиёр гурурга тўлади.

Бирок ҳаётда бебаҳо умрини елга совурадиған, турли ноҳўя қилмишларга қўл урадиган айрим ёшларнинг учраб туриши гоьтда ачинарлидир.

Мисол учун Фузор туманида истиқомат қилувчи Дониёр Тоиров ҳали ёш бўлишига қарамай, бир неча бор жиноят кўчасига бош суқиб, жиноий жавобгарликка тортилган. Бирок у бундан тегишли хулоса чиқариб, ҳаётда тўғри йўлни топиб олиш ўрнига яна ўзи билганидан қолмади.

Кунларнинг бирида спиртли ичимлик истеъмом қилиши ўзига одат қилиб олган Дониёрнинг кўнглига яна шум ният ўрлай бошлади.

У ана шундай ғаразли ниятда Сангəшхон қишлоғи томон йўл олади. Манзилга яқинлашган эса, унинг эътибори қишлоқ четида жойлашган, деворлари пастқам

Ўйламай босилган қадам

пушаймонлик ва жиноий жавобгарликка сабаб бўлади

ҳовлига тушади. Ярим тунда хонадон эгаларининг қаттиқ уйқуға кетганига ишонч ҳосил қилган Дониёр девордан ошиб ўтиб, ичкарига қиради. У оғилхонадаги сигир ва бузоқни ўмарши пайига тушади. Бирок оғилхона устунига боғланган итнинг бор товушда вовуллаши хонадон соҳибларини уйғотиб юборади. Улар шоша-пиша ҳовлига чиқиб, уйга ўғри оралаганини пайқаб қолишади. Бу орада ёрдамга етиб келган қўни-қўшинлар қочиб қолмишга улгурмаган Дониёрни тутиб олишади. Шундан сўнг улар туман ички ишлар бўлимига хабар беришади.

Шу тариқа муқаддам ўта хавфли рецивида деб топилган Д.Тоировнинг кирдикорлари тўлиқ фож этилди. Суд унинг жиноий қилмишини аτροφлича муҳокама этиб, Жиноят кодексининг 169-моддаси 4-қисми «б» бандида назарда тутилган жиноятни содир этишга суиқасд қилганликда айбдор топди ва унга нисбатан тегишли



жазо тайинлади.

Ҳа, жиноятга жазо муқаррар, албатта. Бирок мана шу аччиқ ҳақиқатни Д.Тоиров ўз вақтида англаб етиб, тўғри йўлни танлаганида келгуси ҳаётига ўз қўли билан болта урмаган, ёш умрининг бетакрор дамлари ни узок муқддат темир панжара ортида ўтказмаган бўларди. Зотан, фақат ҳалоллик, интилувчанлик ва ростгўйлик инсон умрига зийнат бағишлашини ҳеч қачон унутмаслик керак.

Ахрор ҒАППОРОВ,
жиноят ишлари бўйича Фузор тумани судининг раиси

Абдунаби БОБОЁРОВ,
"Куч — адолатда" муҳбири

Куч — адолатда

МУАССИСА:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ХАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.



ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Бўритош МУСТАФОЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Шоюнос ҒАЗИЕВ
Кўчкор ТОҒАЕВ
Русланбек ДАВЛЕТОВ
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ

Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Икром ЁСДИЛИМОВ
Ғайрат ҲИДОЯТОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

Сардор ХАМРОЕВ
Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буортма: Г-822. Қўғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нарҳда. Адади: 8888.
1 2 3 4
Тошпириш вақти: 20⁰⁰ Тошпирилди: 22⁰⁰